


23-yanvar
2025-yil 3 (1 105)



O'ZLIDER



АХХР

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

ОЛМАЛИҚНИНГ



ОЛТИН ДАМЛАРИ



Очиғи, “пресс-тур” аталмиш ўта расмий тус бериладиган тадбиру машваратларга кўпам ҳушим йўқ. Лекин қайсидир йили Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан уюштирилган йиғинда қатнашиб роса хурсанд бўлганман. Сабаби, Ўзбекистон Қаҳрамони, ўша гигант корхона раҳбари, сенатор Кувондиқ Санакулов мулоқотлар бошлан-масидан аввал бизларни огоҳлантирди: “Оғайнилар, кадрли журналист дўстларим, айтиб кўяй, биз сизларни бу ёққа мақтаниш ёки қилаётган ишларимизни кўз-кўз қилиш учун чорлаганимиз йўқ. Аксинча, давлатимиз нуфузини дунёга танитадиган шундай корхоналарда ўзимизнинг қорақўзларимиз қандай меҳнат

қияпти, она замин қаърида ётган тупроқ-қум зарралари орасидан қандай машаққатлар эвазига олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликлар қазиб олиняпти, кўринглар, ишчиларимиз билан очик суҳбатлашинг, савол-жавоб қилинг!” Ростданам шундай бўлди: гуруҳларга бўлиниб, турли олис-яқин туман-шаҳарларга чиқиб кетдик. Уч-тўрт кун ана шу довруқли комбинат ҳаёти билан яшадик. Пойтахтга келгач, ОАВ саҳифаларида, телеэкран ва радио тўлқинларида кўрган-кечирганларимиз ҳақида гўзал таассуротларни одамларга улашдик. Бу ҳам аслида ўзига хос ижодий имтиҳон эди бизлар учун.

3

МУНОСАБАТ

ФЕРМЕРЛАРНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИ ОШАДИ

Бозор иқтисодиёти тақлиф ва талабга мос маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Президентимиз томонидан имзоланган “Пахта хомашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда фермер хўжаликлари ва қайта ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсад қилинган.



Пахта етиштиришда янги тартиб жорий этилмоқда. Энди фермерлар биржага харидорлар томонидан жойланган тақлифлар орасидан бир ёки бир нечтасини танлаш орқали фьючерс, форвард ва спот шартномаларини тузади. Бошланғич нарх Нью-Йорк биржасидаги олти ойлик ўртача котировкалардан келиб чиқиб белгиланади.

Аввалги йиллар ҳақида айтадиган бўлсак, фермерлар биржанинг электрон тизимига жойлаштирган маълумотларни кластер кўриб, қайси билан шартнома тузишни ҳал қиларди. Янги фармон бўйича эса якуний қарорни фермерларнинг ўзи қабул қилади.

Кооперация усулида ёки ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирувчи хўжалиқлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Уларга биржа орқали сотган пахтасининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратиш белгиланди. Имтиёзли кредит олиб, кредитни ўз вақтида қайтарган пахта етиштирувчиларга 4 фоиз миқдорида субсидия ажратилиши ҳам яна бир қулайликдир. Энг асосийси, фермер ўзининг пахтасини қайта ишлаши учун ёки қабул қилиш масканини куриш учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 3 йил муддатда Марказий банк асосий ставкасидан юқори бўлмаган фоизда, 6 ой имтиёзли давр билан кредитлар ажратилади.

Янги фармон фермерларга ўзи етиштирган пахта хомашёсига эркин нарх белгилаш, харидор топиш ва ихтиёрий сотиш имкониятини яратмоқда. Бу нафақат маҳсулот миқдори ошишига, балки сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Барно МИРЗАМОВА,
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Жиззах учрашувлари тўхтамайди

2.



Бухорода шундай аёл бор

4.



Шукур бобонинг шукуҳли йўли

5.



Қиёматгача қаримайдиган бизнес

6.



ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ ВА
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР БИЛАН

Юртимизда ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга катта эътибор қаратиляпти. Бу ўзгаришлар орқали мамлакат ижтимоий давлат сифатида янги босқичга ўтди.



Жасур ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Янги Ўзбекистон қонунчилик ташаббуслари доирасида ногиронлиги бўлган шахслар, болалар, аёллар, кексалар ва жамиятнинг бошқа аъзолари қатламлари учун турли имкониятлар яратилди. Давлат ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, инклюзивлигини ривожлантириш ва ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ички ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири, бу бевосита инсонпарварлик билан боғлиқ жараёнлардир.

Ушбу соҳадаги шароитларни яхшилашда муҳим қадамлардан бири 2020 йилда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонундир. Бу қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга фаол равишда қўшилишига ёрдам бериш учун зарур ҳуқуқий асосни яратди. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси ратификация қилинди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан инсонпарварлик сиёсатини янада мустаҳкамлаб, уларнинг ҳуқуқларини халқороларга мос равишда ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

2023 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Мазкур агентликнинг асосий мақсади – аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, яъни камбағалликдан чиқишига кўмаклашиш ва улар учун манзилли ижтимоий хизматларни ташкил қилишдир. Агентлик ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар, болалар, аёллар ва кексалар каби жамиятнинг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Манзилли ижтимоий ёрдам агентлигининг маҳалла даражасида ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу фуқароларга ўз аша муҳитида ёрдам олиш имконини беради. Ногиронлиги бўлган шахслар ва заиф қатламлар учун ёрдам кўрсатиш тизимини инсонпарварлик принциплари устувор аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий хизматлари автоматлаштириш

бўйича ижтимоий карта тизими жорий этилиши эса давлат ёрдамининг тезкор ва шаффоф амалга оширилишига хизмат қилади. Бу тизим орқали фуқароларга қўшимча қўлайликлар яратилмоқда. Барча хизматлар рақамли технологиялар асосида онлайн тарзда кўрсатилётгани хизматлар сифатини янада оширмоқда.

Инклюзив жамиятнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди ва тараққиёт учун катта қадамдир. Ногиронлиги бўлган инсонлар учун махсус шароитларнинг яратилиши уларнинг барча таълим босқичларида тўлиқ таълим олиши ва жамиятга фаол қўшилиши учун асос бўлади. Бунда муҳим йўналиш – меҳнат ва бандлик имкониятлари. Яъни ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринлари яратилиши, уй шароитида касаначилик асосида ишлашига субсидиялар ажратилиши моддий томондан уларнинг мустақиллигини оширмоқда.

Спорт ва жисмоний ривожланиш соҳасидаги имтиёзлар ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Бу, нафақат, жисмоний ҳолатини яхшилаш, балки уларнинг халқороларга янада Паралимпия ўйинларида кучли иродаси ва матонати билан юқори натижаларни қайд этиши ҳамда ўз-ўзини қадрлаш даражасини оширишга ҳам ёрдам бериши.

Давлат бошқарувидаги фаолият эса алоҳида эътиборга молик. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ногиронлиги бўлган шахсларга жамиятда фаол иштирок этиш имконини беради. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида инклюзив парламент шаклланиши ҳам аниқ шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат даражасида ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар учун жорий қилинган кенг қўламли имтиёз ва чора-тадбирлар нафақат уларнинг ҳаёт сифатини оширади, балки бутун юрт тараққиётини таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай ёндашув давлатнинг инсонпарварлик сиёсатини, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган ҳаракатларини аққол намоеън этади ва жамиятни янада барқарор ҳамда инклюзив қилиб шакллантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Халқимизда “Бир калла – калла, икки калла – тилла” деган нақл бор. Бунинг маъноси шундаки, киши имконсиз, танг қолган паллада, кўпининг маслаҳати билан ўз муаммосига ечим топа олади. Битмаган ишлар битиб, юрмаган ишлар юришиб кетади. Албатта, одам боласи дунёга келибдики, бахтли яшашга, оиласини ҳар жиҳатдан бекаму кўст таъминлаб қўйишга, элда ҳурмат-иззат қозонишга интилиб яшайди.

МУНОСАБАТ



Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

МАСЛАҲАТЛИ ИШ МАНГУГА
ДАҲЛДОР БЎЛАДИ
Давлат дастури лойиҳаси
муҳокамаси давом этмоқда

Мамлакат ва жамият ҳам ўз навбатида фуқаролари учун шундай ғамхўрлик кўрсатади. Жумладан, сўнгги йилларда барча жабҳаларда кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчиларнинг нуфузи тикланди, пластик картадан пул нақдлаштириш сарсонгарчиликларига чек қўйилди ва бошқа шу каби кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Ушбу ислохотларни ким амалга оширди? Албатта, ўзи ва Ватани тақдирига бефарқ бўлмаган инсонлар, шундай эмасми?!

Қувонарли томони, мазкур жараён йил сайин жамиятимизда эзгу бир анъанага айлиб бормоқда. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди.

Лойиҳада мамлакат тақдирини бефарқ бўлмаган барча фуқароларимиз ўзларининг таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этишмоқда. Одатда ҳар бир йилга ном беришда давлат дастури қабул қилинади. Шу маънода бу йилги давлат дастури барча соҳалар камраб олингани билан аҳамиятли. Эътиборли томони, жорий йилги дастурда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар билан бир қаторда Президентимизнинг 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталари мажлисларидаги нутқидан илгари сурилган ташаббуслар ҳам ўз аксини топган. Давлат дастуридан ўрин олган 5 та асосий йўналишда ҳар бир инсонга ўз имкониятини юзага чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадлар қамраб олинган. Дастур лойиҳасида барча соҳалар сингари таълим соҳасида ҳам бир қатор усту-

вор вазифалар белгиланган. Таълим соҳаси ёшларимизнинг келажагини белгилаб берувчи пойдевордир. Ушбу негиз қанчалик мустаҳкам бўлса, келажагимиз шунчалик барқарор бўлади. Бу борада ушбу лойиҳада бир қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Жумладан, олий таълимда давлат гранти ўринларини босқичма-босқич ошириш ҳисобига аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик, техника ва тиббиёт каби йўналишларда давлат буюртмаси 25 мингтага етказилиши белгиланган. Бу билан ушбу соҳаларга ёшларнинг қизиқишини янада оширишга эришилади. Бундан ташқари, республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида биттадан инклюзив таълим олиш имкониятлари яратилган мактабни босқичма-босқич ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган. Бу эса жойларда имконияти чекланган фарзандларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмаган тарзда таълим олишига хизмат қилади. Шунингдек, давлат дастурида 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига “яшил тадбиркор” мақомини бериш ҳам кўзда тутилган. Ҳўш, “Яшил тадбиркор”лик ўзи нима? Унинг жамиятга қандай фойдаси бор? Аввало, ишбилармон “яшил тадбиркор” мақомини олиш учун янгиланган энергия технологиялари, экологик тоза ишлаб чиқариш усуллари йўлга қўйилди. Бу эса атроф-муҳитга зарарини камайтириб, табиий ресурсларни қайта ишлаш ва сарфлашни иқтисод қилишга ёрдам беради. Натижанда бу бизнес жамият ва экология учун ҳам манфаатли бўлади.

Бундан ташқари, “Яшил тадбиркор”га қатор имтиёзлар ҳам берилади. Бир тасаввур қилиб кўринганга, агар қишлоқ хўжалиги соҳасида томчилатиб суғоришни бошласак, қанча сувни иқтисод қилишимиз мумкин? Шамолдан ёки қуёш панелларида фойдаланиб, хонадонимизни, тадбиркорлигимизни энергия билан таъминласак, давлатга, қо-

лаверса ўз чўнтагимизга қанча фойда келтиришимиз мумкин?

Шу билан бирга “яшил тадбиркорлик” ривожлангани сари қанчадан қанча иш ўринлари яратилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар зарарли концентратлардан холи бўлади. Бу эса маҳсулотга бўлган талабни янада оширади.

Яна бир эътиборли жиҳат, 2025 йил 1 майдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида асбест, цемент ишлаб чиқариш, шлам ва шлақлар, тери-кўнчилик, паррандачилик фабрикалари, самарандорлиги юқори бўлган чанг-газ тозалаш иншоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш, қора ва рангли металлургия заводлари, таркибида захарли қиратишлар бўлган ойна, захарли кимёвий моддалар билан ишлаш, хавфлилик даражасининг I ва II синфига мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёқиш корхоналари йўналишларда янги лойиҳаларни амалга ошириш таққиланади.

Шунингдек, дастурда Орол бўйи минтақасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Орол денгизи тубида 100 минг гектар янги ишил майдон яратилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимлик боғлари ташкил этилиши, “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши экологик муаммоларни ҳал қилишга, аҳоли сўлиги ва турмуш сифатини ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, давлат дастури лойиҳаси партиямизнинг дастурий мақсадлари билан ҳам томонлама ҳаммаандир. Умуман, ушбу лойиҳадаги ҳар бир йўналиш ва мақсад бугунимиз ва эртаимиз учун долзарб эканлиги аҳамиятга моликдир. Шундай экан, биз халқ вакиллари дастурдан ўрин олган вазифалар қадр-қимматини аҳолига етказишда фаол иштирок этайлик.

МУЛОҚОТ

Жиззах учрашувлари тўхтамайди

“Олдинда яна бошқа туман ва қишлоқлар, сайлов округлари турибди, одамларнинг бизга айтадиган таклиф-мулоҳазалари кўп экан”, – деди навбатдаги мулоқот ниҳоясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ва парламент куйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов.

Етакчи партия лидери раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзоларининг Янгибод туманидаги учрашувлари, маҳаллий кенгашдаги депутатлик гуруҳи аъзолари, электорат ва “маҳалла еттичилиги” вакиллари билан кенган очик мулоқот жуда жонли бўлди. Самимий суҳбат чоғида партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижроси, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар борасида ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш бериш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларда депутатларнинг тугган ўрни хусусида жиддий фикрлар билдирилди.

Навбатдаги мулоқот “Бизнесни ривож-



лантириш банки” туман филиали биносида маҳаллий тадбиркорлар билан бўлиб ўтди. Мазкур банк томонидан яқна тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа бизнес режаларни амалга ошириш мақсадида 100 миллион сўмгача гаровсиз, 500 миллион сўмгача гаров таъминоти пасайтирилган шартлар асосида 150 нафар фуқарога 14 миллиард 455 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани ва ушбу

лоийҳалар ортидан тадбиркорлар 150 та янги иш ўрни яратгани қайд этиб ўтилди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган 1 600 нафар фуқарога “Бизнесга биринчи қадам”, “Томорқа бизнеси” учун кредитлари ажратилгани ҳам урғу берилди. Шундан кейин ишчи гуруҳ аъзолари Баландқир маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларга кириб, аҳолининг қувончу ташвишлари, муаммолари билан яқиндан танишди. Бу ҳудудда 500 дан зиёд хонадон бўлиб, уларда уч

мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади ва томорқачиликда катта тажриба тўплаган оилалар кўпаймоқда. Аини пайтда 90 та иссиқхона фаолият юритаётган экан. Мисол учун, Сулаймонкул Нормухамедов 30 миллион сўм кредит маблағи олиб, хонадонидики иссиқхона иссиқхона қурган. Лимон ва мандарин етиштириб, бир йилда 30-35 миллион сўм соф даромад олмақда.

Шунингдек, шу тумандаги энг чекка ҳудуд “Сармиш” МФЙда эса асаларчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Улардан бири Икром Нурматов 40 қути асалари парвариш қилиб, бир йилда 1 тоннагача тоза тоғ асали олаётганини ва даромади чакки эмаслигини сўзлаб берди. Ғайрат Абдуллаев эса бир неча йилдан буён чорвачилик билан шуғулланар экан.

– Бугун юртимизда меҳнат қиламан, даромад орттираман, оиламга, рўзгоримга, дастурхонимга қут-баракат олиб қираман, деган одам учун ҳамма шароит бор, – дейди Ғайрат ака. – Худога шукр, бировдан кам жойимиз йўқ. Кам-кўсти бўлмаслиги учун эса ишлаш, меҳнат қилиш, ҳаракат қилиш керак. Шунда баракат ўз-ўзидан келаверади.

Сайловчилар билан суҳбатлар жараёнида айтиб ўтилган таклиф-мулоҳазалар, камчилик ва муаммолар умумлаштирилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тузиб олинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари 12 200 нафардан ошқик маслақдошларимизни бирлаштирган ва 94 та БПТ фаолият кўрсатаётган партия Зоми туман кенгаши аъзолари, фаоллар билан мулоқотда бўлишди.

Зоминдаги “Нуронийлар маскани”да бўлиб ўтган очик мулоқот ҳам анча қизиқарли бўлди. Шундан сўнг, сиёсий куч гуруҳи “Зомин асл ипак толаси” МЧЖ фаолияти билан ҳам танишгач, зоминлик тадбиркорлар билан учрашув ташкил этилди.

Айниқса, Пешагор қишлоғидаги чопончи аёллар фаолияти барчада катта таассурот қолдирди. Мулоқотлар давомида “Дўстлик чеварлари” МЧЖ раҳбари Нодира Эгамбердиева 7 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлагани ҳамда “Ишбилармон аёл – 2024” кўрик-танловининг Жиззах вилоят ҳудудий босқичи ғолибаси Раъно Ҳасанова кооперация усулида 60 нафар қишлоқ аёлларини ишли қилгани алоҳида ташкил этилди.

Мақоламиз муқаддимасида давом этаётган жонли мулоқотлар, юзма-юз суҳбатлар ҳали ниҳоясига етмайди. Бошқа ҳудудларда ҳам сайловчилар ишчи гуруҳ аъзоларини кутишяпти.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



ОЛМАЛИҚНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Шу маънода ўтган йилнинг кузи адоғида, Тошкентнинг ёнгинасида қад ростлаган Олмалик шахри ва унга туташ худудларни эгаллаган улкан комбинатга уюштирилган саёҳатимизда кўрган-кечирганларим ҳали-ҳали эсимдан чиқмаяпти. Бу сафарга боришдан аввал қизиқ воқеа рўй берди: ҳар ҳафта Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси биносидан узоқ чўзилмайдиган мулоқот бўлиб туради. Аньанага кўра партия расиси, парламентдаги фракция раҳбари Актам Хаитов дунёда ва мамлакатда содир бўлаётган сиёсий-ижтимоий воқеалар, янгилик-ўзгаришлар хусусида суҳбатлашади ва мақсад, режалар таҳлил этилади. Гап орасида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари орасида халқни рози қилиш бобида кўпчиликка намуна бўлаётган инсонлар ҳақида сўзларкан, кутилмаганда Олмалик кон-металлургия комбинати раиси Абдулла Хурсановни фахр билан тилга олди-да, менга қараб, “Фурсат топиб, бир ўтиб келмайсизми, бу корхонада бизнинг маслаҳатларимиз ҳам кам эмас, газетда ёритиш керак шундайларни, ҳақиқий ватанпарварлар, бугунги куннинг фидойилари”, деди. Йилгиш охирида қўғозчага комбинат директорининг телефон рақамини ёзиб менга узатди...

Ўйлаб қолдим. Нима дейман? Мен комбинатга ўтмоқчи эдим, сиз билан учурашсак, дейиш... тўғриси, мен учун минг азоб. Чунки шу ёшга кириб, ҳали бирор марта каттароқ идора раҳбарига тўғридан тўғри кўнғироқ қилиб, фалончидан, шундай вазифада ишламан, қабулнингизга борсам майлими, деганимни эсломайман. Лекин бу гал негадир эркин сифиди ё партия лидерининг у киши ҳақида айтган самимий сўзларидан руҳландимми, билмадими, сира иккиланмасдан Абдулла Хурсановга телефон қилдим.

Биринчисидан кўтармади. Хиҷолат тортганча, телеграмдан хат жўнатдим. Орадан бирор соатлар ўтгач, ўзи боғланди. Худдики аввалдан бир-биримизни танийдигандек сўрашиб кетдим. Хуллас, у кишига мақсадимни айтдим. Абдулла ака ўйланиб қолди, шекилли, бир-бири танлашдан сўнг “Насиб этса, уч-тўрт кундан сўнг сизни ва ҳамкасбларингизни бир Олмаликқа таклиф этмоқчи эдик, чун маънода фидойи, ҳалол меҳнатни ортиндан қадр топаётган одамлар орасига бирга борамиз ака, шунда бафуржа суҳбатлашсак нима дейсиз?” деди-да, кўнғироқни хайрлашди...

Ўртада бор-йўқ мулоқотимиз шу бўлди. Энди билсам, бу ҳам XXI аср эъёлиси, раҳбарининг ибратли маънавий даражаси экан. Бунга Олмаликқа боргач, амин бўлдим!

Қизиғи, шунча йилдан бери жаннатомонанд водийга тарихий Қамчиқ довоини орқали неча юз марта ўтиб-қайтган бўлсам-да, Олмаликқа сира йўлим тушмаган экан. Тўғри, ОАВда бу худуд ҳақида қанча маълумотларни кўрганмиз, биламиз, лекин ичкаридаги ҳақиқий воқелик бутунлай бошқача эди.

Мамлакат миёқсидидаги қатор нуфузли наشرлар, давлат ва нодавлат телеканаллар вакиллари, блогерлар комбинатнинг ҳашаматли маданият саройидаги мўъжазгина залга йиғилдик. Айнан ўша кунни Олий Мажлис Сенати йиғилиши бошлангани боис комбинат раҳбари Абдулла Хурсанов пресс-турда қатнашолмаётганини, агар имкон бўлса пешиндан сўнг етиб келишини эшитдик. Лекин бошқа раҳбарлар ҳамда матбуот хизмати масъуллари дастур доирасида ҳамма манзиллар бўйича белгиланган жойларда бизларни кутиб-сўраётганини айтишди. Йўл-йўлакай комбинат муассислигида чоп этилаётган икки тилдаги газета ҳамда ОКМК телевидениеси фаолияти билан ҳам танишиб, уларга яратилган шароитларни кўриб ҳавасимиз келди.

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ:

Олмалик кон-металлургия комбинати – мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда етакчи саналиб, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик корхона сафига қиради.

ОКМК таркибидан ҳозир 6 та кончилик корхонаси, 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари, марказий таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, саноат темир йўл транспорт бошқармаси, автомобиль ва технологик транспорт бошқармалари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси, шунингдек, 20 дан зиёд ёрдамчи корхоналар ва лабораториялар мавжуд. Комбинатда 35 мингга яқин ишчи-ходимлар ишлайди. Йилга 148 минг тоннадан ортиқ мис катоди, 90 минг тонна рух метали, шунингдек, олтин ва қумуш қимматбаҳо



металлари, молибден, вольфрам, рений, селен, теллур ва кадмий каби ноёб металлар ишлаб чиқарилади.

Қурама тоғлари, бепоеён қир-адирлар бағрида жойлашган улкан худуд бугун чин маънода бунёдкорлик майдонига айланган десак муболаға бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларда Олмаликқа хорижий ва қўшни давлатлардан нуфузли делегациялар, кампания раҳбарлари, мутахассислар мунтазам ташриф буюрмоқда. Чунки бу ерда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини белгилаб берадиган жуда катта кўламдаги ислохотлар, замонавий технологиялар асосида модернизация ишлари давом этаётир.

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ РАҲБАРИ УМИДА ҚАРШИБОВА АОКАДА ЎТГАН ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГДА ҚЎЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЧИҚЛАДИ:

Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан 2024 йилда 38,1 трлн сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, режа 116,1% га бажарилган. Шунингдек, 7,5 млрд сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланган. Жумладан, мис рудасини қазиб олиш вазифаси 101,6% га бажарилиб, +104,5% лик ўсиш суръатига эришилган.

Мис хомашёсини қайта ишлаш бўйича режа 100,1% га бажарилиб, ўсиш суръати +101,6% бўлган. Ўтган йилда ўз хомашёсидан комбинат тарихида биринчи марта 130 минг тонна мис ишлаб чиқариш эвазига рекорд натижа қайд этилди. Ушбу натижа 2017 йилга нисбатан 23,7 минг тоннага зиёд бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, маҳаллий хомашёдан рух ишлаб чиқариш режаси 117,1% га удаланган.

Полиметалл рудаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш режаси эса 100,5% га бажарилган. Шунингдек, олтин таркибли рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда мис купуроси, техник селен ва теллур, перренат аммоний, палладий кукун эмалланган мис симлар, молибден-3 оксиди, сульфат кислотаси каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш муваффақиятли адо этилган.

Комбинатимиз томонидан “Маҳаллийлаштириш дастури” бўйича ҳам самарали натижаларга эришилди. Масалан, ўтган йилда 268 та лойиҳа бўйича 1 трлн 567 млрд сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз 103% га бажарилди. 2023 йилга нисбатан ўсиш 3,6 баробарни, импорт ўринини босиб самарадорлиги 121,5 млн долларни ташкил қилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, комбинатнинг маҳсулотлар экспорти билан боғлиқ ютуқлари қувонарли: жумладан, 610,9 млн долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, прогноз 111,1% га бажарилди.

Шунингдек, эришилган ютуқларни маҳсулотлар кесимиде таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йили хорижий ҳамкорларга 51 698 тонна мис маҳсулотлари, 28 859 тонна рух маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, ўсиш суръати кузатилди. Бундан ташқари, кўрғошин концентрати, молибден, рений, кадмий, мис купуроси, палладий кукун каби маҳсулотлар экспортида ҳам кўзланган натижага эришилди.

Энг муҳими, комбинатимиз томонидан Инвестиция дастури бўйича 2024 йилда 1 млрд 943,9 млн доллар маблағ ўзлаштирилиб, прогноз 103,2% га бажарилди ёки 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 172,3 фоизни ташкил қилди. Рақамлаштириш бўйича эса 31 та чора-тадбирлар амалга оширилиб, жами 92 млрд 550 млн сўм маблағ иқтисод қилинди.

Маҳсулот таннархини камайтириш бўйича режалаштирилган прогноз 1 трлн 329,5 млрд сўм, яъни жами харажатларнинг 10,03% микдориде белгиланган бўлса, амалда ҳисобот даврида маҳсулотлар таннархи 1 трлн 670,5 млрд сўм ёки жами харажатлар 12,6% микдориде камайтирилди. Прогноз эса 125,7% га бажарилди.

Биз журналистлар, блогер ва ижтимоий тармоқ фаоллари қорли тепаликларга чиқиб, тўғрироғи, денгиз сатҳидан неча минг метрча баландиқдан паства қараймиз: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, янги бунёд этилаётган завод ё фабрикалардаги иш жараёнлари... гўёки чумолилар инидидаги ҳаракатга ўшарди! Тинимсиз ишлаётган залворли техникалар ва маҳаллий ҳамда хорижий ишчиларнинг фидокорона хизмати ҳар қандай таҳсинга лойиқ эканига амин бўлади одам. Неча узоқ метр чуқурликлар бағридан жуда катта заҳматлар эвазига олиб чиқилаётган бойликлар ҳақида эса сўзлаб ҳикоя қилиш мумкин. Бундай машаққатлаб жойларда ҳалол меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга Яратгандан тани-сиҳатлик, хотиржамлик сўраб секин ортга одимлаймиз.

Орамизда ушбу соҳа билан боғлиқ қатор саволларга жўялироқ жавоб олмаққа қизиқувчи ҳамкасбларимиз ҳам кам эмас: бири бизларга ҳамроҳлик қилаётган мутахассислардан, суҳбат орасида айтилганидек, масалан 300-400 метр чуқурликда ишлаётган кончилар ва баҳайбат юк машиналари ҳайдовчиларининг ойлик маошлари қанчалиги, яна кимдир айнан Олмаликда бундан 50-60 йил бурун қурилган эскирган завод ё цехларнинг янгиликларига нисбатан экология, атроф-муҳитга зарари жиддийлиги, бошқаси эса имкони борича бу ерда маҳаллий ишчилар сонини кўпайтириш муҳимлиги, яна денг, бир йилда қанча олтин, мис қазиб олингани хусусида, хуллас, неча ўнлаб жумбоқли саволларни уртага ташлайди. Комбинат мутасаддилари бу каби ҳаётий саволларга чуқур ўйлаб обдон жавоблар қайтаришади.

Шу ўринда ушбу ажойиб сафарни уюштиришда бош-қош бўлган комбинат бошқаруви раиси, партиядошимиз Абдулла Хурсанов ҳамда ҳар доим ОАВ билан ҳамкорлик бобида бошқаларга намуна бўлиб келаётган ахборот хизмати раҳбари Умида Қаршибова, шунингдек, пресс-турчиларнинг саволларига жонли мисоллар билан жавоб қайтарган Рух заводи директори Фаррух Ўтанов, Мис эритиш заводи раҳбари Бахтиёр Ваққосов, 3-Мис бойитиш фабрикаси дастурлаб цехи бошлиғи Акмалжон Жамолитдинов ва мазкур соҳанинг яна бошқа ўнлаб билимдон, профессионал мутахассисларига раҳматининг ҳам айтмоққа бурчлимиз. Нега десангиз, шу вақтгача бизлар билган ва билмаган, эшитган ва эшитмаган, маълум-номаълум сир-синаотларга баҳоли қудрат жавоб топдик.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА: комбинат маданият саройида ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ҳақидаги ёзувларга қўшим тушди.

“Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Республика аския ва қизилчилик санъати маркази аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири Мўхаммад Юсуфнинг “Қора кўёш” асари асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган адабий кечада Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир қатнашди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунар” асари асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

“Баҳодир Ялангтўш” тарихий-бадий фильмининг премьераси ўтказилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, академик Нурислом Тўхлиев билан адабий-бадий учрашув уюштирилди...

Демак, XXI аср қахрамонлари орамизда, Олмаликда, Навоий ё Шўртанда, Мўйноқ ё Қўқонда, Наманган ё Сурхонда – Ўзбекистоннинг тўрт бурчагида эканини, улар ўз қўллари билан эртанги кунимиз учун мустақкам пойдевор қўяётганини англамоқ фурсати етди. Янги Ўзбекистонимиз тарихида олтин давр бошланяпти!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик кон-металлургия комбинати”
акциядорлик мажлоси бошқарув раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси**



– 2024 йил комбинатимиз тарихида алоҳида шонли саҳифа бўлиб қолади. Олмалик кон-металлургия комбинати ташкил топганининг 75 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Президентимизнинг ушбу сана муносабати билан жамоамизга йўллаган табриғи бизларни ғоят руҳлантириб юборди. Ватанимиз, халқимиз олдидаги шарафли ҳамда масъулиятли вазифаларни удалашда улкан куч, ишонч бағишлади.

Энг қувончлиси, давлатимиз раҳбари фармонида бинаон Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, айниқса, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар ҳамда илм-фан ютуқлари орқали тараққий эттириш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган комбинатимизнинг бир гуруҳ ходимлари орден ва медаллар билан тақдирланди.

Бугун биринчи навбатда янги технологияларга асосланган миллий саноатни ривожлантиришдек устувор вазифани адо этиш учун кенг миқёсдаги модернизация ишларини изчил амалга оширишимиз зарур. Бу ҳақда сўз кетганда, “Қалмоққир”, “Ангрен”, “Чодак”, “Хонжиза”да жойлашган конларда, бойитиш фабрикалари, мис эритиш ва рух заводларида олиб борилган реконструкция ва модернизация жараёнлари, “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш доирасида бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Албатта, ана шундай муҳим аҳамиятга эга ўзгаришлар тўғрисида комбинат мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та энг йирик мажмуа қаторидан муносив ўрин олди.

Яна бир тарихий воқеани эсламоқ жоиз: ўтган йилнинг 14-15 октябр кунлари Президентимиз Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Олмаликда ҳам бўлиб, янги 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берган эди. Бу фабрикаларнинг ишга тушиши билан комбинат бўйича йилга 160 миллион тонна хомашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Муболағасиз айтиш керакки, бу – Ўзбекистон саноати тарихида кутилмаган натижа!

Ана шу учрашувда Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг ҳали ишга солилмаган катта имконият ва захиралари мавжудлигини таъкидлаб, бир қатор салоҳиятли қирраларни ҳам кўрсатиб ўтган эди: Ангрен, Олмалик, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидаги улуши 50 фоизни ташкил қилиши инобатга олиниб, бу худудда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун “саноат учбурчаги” дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Саноатнинг драйвер соҳаларининг бундай жадаллик билан ривожланиши вилоятимиз аҳолиси учун минглаб янги иш ўринлари яратилишига ҳам замин ҳозирлайди.

Таъкидлаш керакки, комбинатимиз кейинги йилларда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўз нуфузини муттасил мустаҳкамлаб бормоқда. Маҳаллийлаштириш ва тармоқларо кооперация алоқалари доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,9 трлн сўмга етмоқда. 2025 йилда 269 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари доирасида 1,5 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан “саноат учбурчаги”га кирувчи туман ва шаҳарларда камиде 5 тадан корхонани жалб қилиб, комбинатнинг импорт ҳажмини 25 млн долларга камайтириш ва мазкур йўналишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва 1,5 млрд доллар микдориде экспортни амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади.

Тасаввур қилинг, бир пайтлар фаолиятини биригина “Қалмоққир” кони билан бошлаган Олмалик кон-металлургия комбинати бугунги кунда ўнлаб конлар, завод ва фабрикаларни ўзиде бирлаштириб, тараққийетининг том маънодаги янги босқичига етиб келди. Бундай дейишга асосларимиз етарли деб ҳисоблайман.

Шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан комбинатимизда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш бўйича ишларимиз жадал давом этаётир. Ўз номига муносив бўлган бу кон ҳам Янги Ўзбекистоннинг ёшлари, янги авлоди учун юз очмоқда, десам янглишмайман. Бу маконни ўзлаштириш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаси, шубҳасиз, Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан амалга оширилаётган ва жаҳон рангли металлургия саноатининг диққат марказида бўлиб турган мегалойиҳа ҳисобланади. Масалан, айнан “Ёшлик-1” конида устки қатламларни очиб ишларига 400 дан зиёд техникалар сафарбар этилган. Узунлиги 4,2 километр бўлган магистраль конвейерлар маъданни фабрика хомашё омборига ташинга тайёрлади. Мазкур лойиҳа доирасида бир қатор замонавий рақамлаштирилган

энергетика ва таъминот иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда йилга 60 млн тонна маъданни қайта ишлаш, 894 минг тонна мис концентрати ва 1,5 минг тонна молибден концентрини ишлаб чиқариш имкониятига эга “3-мис бойитиш фабрикаси”, фойдали қазилмаларни бойитиш, металлургия, норуа материаллари ишлаб чиқариш йўналишида дунёда ном қозонган “Metso Outotec” компанияси билан ҳамкорликда рух заводи худудига барпо этилаётган, йилга 180 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга 6-сульфат кислотаси цехининг истиқболлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Янги цех ишга туширилиши билан технологик газларни утилизация қилиш самарадорлиги оширилиб, атроф-муҳит муҳофазаси яхшиланишига эришилади. Ёки олайлик, “Яшил” иқтисодийга ўтиш доирасида “2-мис бойитиш фабрикаси”да 670 минг тонна шлакни қайта ишлаш, Поп туманида янги қурилаётган қуёш фотозлектр станциясидан электр энергиясини етказиб бериши йилга 235 млн кВт соатга кўтариш, карьерлардаги автосамосвалларни аккумулятор батареялари билан жиҳозлаш эвазига тўлиқ “Яшил кон” мақомига ўтказиш, Ангрен кон бошқармасида оқма суви тозалаш бўйича EPSI OY (Финляндия) компаниясининг пилот лойиҳасини амалга ошириш асосий вазифаларимиз сирасига қиради. Яна бир эътиборга молик жиҳат, комбинат худудидан оқиб ўтувчи “Таначи-Бўка” каналига қуввати 30 кВт соатни ташкил қилувчи гидротурбинали генератор ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, “Рақамли ОКМК – 2030” концепцияси доирасида комбинатимизда кенг қамровли ишлар давом этаверади. Шунингдек, самарадор янги технологияларни жорий қилиш, трансформациялаш, тармоқларо кооперацияни кучайтириш, халқаро рейтинг индексларида компания мавқеини янада ошириш каби вазифалар янги босқичга кўтарилади.

Кейинги йилларда кучли ижтимоий ҳимоя янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада комбинат миқёсида амалга оширилган ишлар хусусида алоҳида тўхталмоқ лозим. “Инсон қадрини унун” тамойили энг устувор вазифа саналади. Ишчи ва хизматчиларимизнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш баробарида уларни ҳамма рағбатлантириб бориш, қолаверса, фидойилик намуналарини кўрсатган инсонлар учун иш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш асосий вазифаларимиз сирасига қиради. Масалан, ўтган йили “Хонжиза” кон бошқармасида барча шароитларга эга 200 ўринли ётқонхона фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг ижтимоий соҳа объектлари – мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, шифохоналар, оилавий поликлиникаларга ҳимойлик ёрдамлари ажратилди. Бекобод шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиника капитал таъмирланди. Комбинат меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар маскани”ни ишга туширдик. Бундан ташқари, Олмалик шахрида “Курувчилар боғи”, футбол клубимиз академияси тарбияланувчилари учун қурилган ашил майдонлар ҳам фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг эътирофига сазовор бўлган Мўхаммидислик мактаби хусусида ҳам алоҳида тўхталмоқ лозим. Ўқув масканида 8 та ўқув ва 4 та лаборатория хонаси мавжуд. Технологик ўқув цехлари эса 36 турдаги 217 та ускуна билан жиҳозланган. Энг асосийси, эндиликда ўқув жараёнини Германиянинг Фрайберг кончилик академияси техника университети, “Aurubis” ва “Günter Papenburg” компанияларининг кадрлар тайёрлаш бўйича методологиялари асосида олиб борилади.

Комбинат жамоаси хайрия ишларига ҳамма бош-қош. Мисол учун, Оққўрғон туманининг Элтамғали маҳалласида қурилиб, фойдаланишга топширилган болалар боғчаси ва тураржой биноси туман аҳолисига жамоамиздан тўхфа бўлди. Икки қаватли бинада жойлашган мактабгача тарбия маскани 80 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, бинадаги 14 та 2 хонали хонадон ҳам ўз эгаларига топширилди. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 14 оила 2025 йилни янги хонадонларда кутиб олишди.

Дарвоқе, спорт соҳаси биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўтган йили комбинат спортчилари эришган натижалар таҳсинга лойиқ; гандбол бўйича Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё очик чемпионатида комбинатимиз эркаклар жамоаси 1-ўринини, аёллар жамоаси 2-ўринини эгаллади. “ОКМК-W” аёллар футбол жамоаси мамлакат чемпионатида иккинчи ўрин соҳибига айланди. Профессионал футбол клубимиз суперлигада мавсумни 47 очко тўплаган ҳолда қумуш медал билан яқунлади ва жамоамизга “fair play” соврини топширилди.

Мухтасар айтганда, комбинатимизда кун тун, йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳаёт қайнабди. Бу эса бизга алоҳида фахру ифтихор бағишлайди. Негаки, камтарин меҳнатимиз билан халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққийети йўлида камарбастамиз.

O'zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИ: "Бир депутат – юз аёлга кўмакчи"

БУХОРОДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Дилбар Аҳмедова ҳақида қайси бир даврада сўз очилса, кўпчиликнинг кўнглида илиқлик пайдо бўлади ва унинг партиямиз фаоли сифатидаги хайрли ишлари бирма-бир санаб ўтилади.

Албатта, халқ вакилининг бугунги кунда бухоролик тadbirkor хотин-қизлар ўртасида ўтказиб келаётган ўқув семинар машғулотлари, мажорат дарслари, давра суҳбатлари ҳамда бизнес учрашувлари ўз кутилган самарасини бераётгани кувонарли. Утган йили, кам эмас ахир, 3 657 нафар хотин-қиз иқтисодий,

амалий ишлари ҳам ўз мевасини бераётгани мақтовга лойиқ-да. Биргина 2020-2024 йиллар ичида O'zLiDePнинг "Аёллар қаноти" томонидан вилоятдаги банклар орқали 1 537 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит олишга кўмаклашилгани-чи, бу ҳам натижадорликка кирди, албатта.

Хотин-қизларга маслаҳат, ахборот бериш ва психологик ёрдам кўрсатиш йўналишида йил сайин ўсиш кузатиляпти. Жумладан, сўнгги тўрт йил давомида ўтказилган турли тadbirkorларда 1 130 нафар хотин-қизга беминнат маслаҳат ва ахборотлар берилди, 331 нафар аёлга эса психологик ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, вилоят, республика ва чет давлатларда ўтказилган турли кўргазмаларда вилоят тadbirkor аёлларидан 67 нафарнинг фаол иштироки этгани соҳадаги хотин-қизлар



учун яхшигина мотивация вазифасини бажарди.

Этиборли жиҳати, Дилбар Аҳмедова томонидан партиямизнинг "Бир депутат – юз аёлга кўмакчи" лойиҳаси доирасида қишлоқ хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги билимларини ошириш, касб-хунари бўлишларига кўмаклашиш ва ўз тadbirkorлигини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуси сабаб "Аёллар" ҳамда "Ёшлар" дафтарида рўйхатда турган хотин-қизларнинг 776 нафари ўқитилиб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Пешку ва Вобкент туманларида яшовчи 210 нафар ишсиз хотин-қиз ошпазлик, пишириқчилик, сартарошлик, флористлик сингари касб хунарига, "Сабр" республика иқтисодий ташкилотининг ижтимоий лойиҳаси доирасида эса Жондор ва Ромитан туманларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 515 нафар аёл турли касб-хунарига ўқитилиб, тегишли ҳужжатлар тарқатилди. Улар ҳозир тadbirkorлигининг ўзлари танлаган йўналишида изчил фаолият олиб боришмоқда.

Ғиждувонлик Гулбаҳор Шаропова, Иқлима Жўраева, жондорлик Нодира Ражабова, Хушвақт Жўраева, олотлик Зулхумор Кулиева, қорақўлик Манзура Элбоева, Бухоро шаҳридан Дилором Файзиёва, Моҳитоб Одилова, Шоира Бўлдиёва, Лола Жаҳонкулова ва бошқалар ўз фаолиятлари билан кўпчиликлари, айниқса, ёш тadbirkorларга ўрнатилган бўлиб келаётгани жонкуяр депутатимизнинг меҳнатлари самараси, десак муболаға бўлмайди.

Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ВАКИЛИМИЗ

ЯХШИЛИК – ЭЛНИНГ АСЛ ҚАДРИЯТИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КАРМАНА ТУМАНИ КЕНГАШИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ ЮСУФ МУРОДОВ ҚИСҚА МУДДАТДА ТАШАББУСКОРЛИГИ БИЛАН МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНДИ. УНИНГ ТИНИМСИЗ САЪЙ-ҲАРАКАТИ ВА ҲОКИМЛИК МУТАСАДДИЛАРИНИ ТЕЗ-ТЕЗ "БЕЗОВТА" ҚИЛИШИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯЛАРИДАГИ ФАОЛЛИГИ БОИС МАҲАЛЛАНИНГ 2700 МЕТР МАСОФАДАГИ ИЧКИ КЎЧАЛАРИГА АСФАЛТ ЁТҚИЗИЛДИ. БУНИНГ УЧУН ТУМАН БЮДЖЕТИДАН 2 МИЛЛАРД 200 МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁДРОҚ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ.

– Маҳалламизда 3700 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди "Янгилик" МФЙ раиси Жасур Маҳмудов. – Гари туман марказига яқин ҳудудда жойлашган бўлса-да, ички кўчаларимизнинг бирортаси асфалт қилинмаган эди. Аҳоли ёзда чанг, ёгин-сочинли кунларда эса лой кўчаларда ҳаракатланишига тўғри келарди. Депутатимиз ташаббуси ва туман ҳокимининг қўллаб-қувватлаши натижасида кўчаларимиз бирин-кетин асфалт қилинмоқда. 700 метр узунликдаги бир кўчага эса бетон қопламаси ётқизилди. Айни пайтда айрим кўчаларга чироқлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, 3 та кўприк қайта таъмирланиб, маҳалла аҳлининг узоғи яқин бўлди.

Депутат ташаббуси билан маҳалладаги ижтимоий соҳа объектидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Ташаббусли бюджет"га 7-умумтаълим мактабига қўшимча бино қуриш лойиҳаси жойлаштирилган эди. Натижада утган йили 1 миллиард 190 миллион сўм маблағ эвазига 100 ўринга мўл-



жалланган икки қаватли бино қад ростлади. Утган йилда мактаб учун ошхона ва фаоллар зали қуриш мақсадида 1,2 миллиард сўм маблағ ютиб олинди. Маҳалла ҳудудидаги 175 симёғочнинг маънан эскирганлиги учун ҳозирги кунга қадар уларнинг 80 таси бетон таянчларга алмаштирилиб, кўча чироқлари ўрнатилди.

Депутат "Янгилик"да истиқомат қилаётган сайловчиларининг ишончини қозона олди. Карманда халқ билан камарбаста бўлиб уларнинг муаммоларига ижобий ечим топилишига ва юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшаётган депутатлар кўпчилигини ташкил этади.

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги, келажак олдидagi экологик масъулият барқарор ривожланишни тақозо этади. Бунинг учун эса бугун аҳоли эҳтиёжларини таъминлаймиз деб келгуси авлод манфаатларини хавф остига қўймалик лозим. Бошқача айтганда, **ИЖТМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ – ЭКОЛОГИК** омиллар учлигининг ўзаро боғлиқлиги асосида тараққий этиш назарда тутилади. Барқарор ривожланишда иқтисодий ёндашув чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ёндашув глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хиллини таъминлаш, экологик ёндашув эса ҳар қандай экологик тизимларнинг нормал фаолият юритишини сақлашдан иборатдир.

Янги Ўзбекистон тараққий стратегияси бир авлод умри мобайнида ижтимоий адолатга эришиш ва аҳолининг камбағал гуруҳларига мақсадли ёрдам кўрсатиш каби янги вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизда "яшил иқтисодиёт" асосида барқарор ривожланишни таъминлашда Президентимиз томонидан 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган "2019–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси" муҳим дастуриламал ҳисобланади. Унга кўра, бу йўлдаги асосий вазифалар қаторига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кирди. Мақсадли индикаторларга технологияларни модернизация қилиш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали эришилади. 2030 йилгача бўлган даврда стратегияни амалга ошириш жараёнида ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газларининг солиштирма чиқиндилари 2010 йил даражасидан 10 фоизга камайд, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг 100 фоизга қадар замонавий, арзон ва ишончли электр таъминотига эришилади. Экологик жиҳатдан яшилланган моторли ёнилги ва автомобиль ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш кенгайтирилади, электр транспорти ривожланади.

"Яшил иқтисодиёт" нима ўзи?

Атроф-муҳит иқтисодиёти ва экология иқтисодиётининг ривожланиши асосида илгари сурилган тамойилларнинг иқтисодий сиёсатга жорий этилиши натижасида "яшил иқтисодиёт" тушунчаси шакллана бошлади. Ушбу атамалар илк бор 1989 йили ётачки иқтисодчилар томонидан Буюк Британия ҳукумати учун тайёрланган "Яшил иқтисодиётни ривожлантириш режаси", деб номланган ҳисоботда тилга олинган.

Атроф-муҳит иқтисодиёти ёки экологик иқтисодиётдан фарқли равишда яшил

иқтисодиёт кўпроқ амалий характерга эга ҳисобланади. Яъни илмий фан соҳаси эмас, балки устун даражада реал иқтисодий сиёсат, конкрет фаолият соҳалари (энергетика, инновация, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) га тааллуқлидир. Яшил иқтисодиёт – экологик хавфларни ва экологик танқисликни камайтиришга қаратилган, атроф-муҳитни бузмасдан барқарор ривожланишни мақсад қилган иқтисодиёт. "Яшил" бўлиши учун иқтисодиёт нафақат самарали, балки адолатли ҳам бўлиши керак. Адолатлилик глобал ва мамлакат даражасидаги тенглик ўлчовларини тан олишни, хусусан, паст углеродли, ресурсларни тежайдиган ва ижтимоий жиҳатдан қамраб олувчи иқтисодиётга адолатли ўтишни назарда тутди.

Яшил стикер ва экологик белги амалиёти истеъмолчилар олдида атроф-муҳитга дўстона муносабат ва барқарор ривожланиш кўрсаткичлари сифатида пайдо бўлди. Кўпгина санат тармоқлари глобаллашган иқтисодиётда яшиллаштириш амалиётини тарғиб қилиш усули сифатида ушбу стандартларни қабул қила бошлади. Барқарорлик стандартлари сифатида ҳам танланган ушбу мезонлар сотиб олинган маҳсулотлар атроф-муҳитга ва уларни ишлаб чиқарувчи одамларга зарар етказмаслигини кафолатлайдиган махсус қоидалардир.

Асосий тамойиллар ва йўналишлар нима?

Яшил иқтисодиётга ўтишнинг долзарблиги ва зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади: **атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар тугашининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида иқтисодиётни технология модернизациялаш; углероддор хомашёси ва унинг пировард маҳсулот қийматидаги улушига боғлиқлигини қисқартириш асосида иқтисодиёт рақобатбардорлигини ошириш; катта мультипликатив самарага эга бўлган юқори те-**

нологияли тармоқларни янгилаш имконини берувчи яшил инновацияларни қўллаш; паст углеродли иқтисодиётга ўтиш жараёнида углероддорга боғлиқликни қисқартириш.

Жаҳонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш ташаббуси 2008 йили UNEP томонидан илгари сурилган бўлиб, экология билан боғлиқ муаммоларни миллий ва халқаро даражада баҳолаш ва кун тартибига айлантириш: "яшил" ишчи уринларни яратиш ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш; барқарор ривожланишга эришиш учун бозор механизмдан фойдаланиш каби умумий тамойилларга асосланади.

"Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: бу тикланмаган энергия манбаларини ўзлаштириш, чиқиндиларни ҳамда сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш, "соф", "барқарор" ёки "яшил транспорт"ни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида органик деҳқончиликни кенгайтириш, уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш, экотизимларни сақлаб қолиш ва бошқарув самарадорлигини кўтаришда намойён бўлади.



Рахмонжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги малака кенгаши маркази директори, вилоят ошғариш депутати, O'zLiDeP аъзоси

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

РАИС ЙИҒИЛИШГА КЕЛМАГАНИ УЧУН...

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'zLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Муҳокама кун тартибига қиритилган биринчи масала юзасидан Камбағалликни қисқартириш, бандлик, миграциядан қайтганлар билан ишлаш, ёшларга касб-хунари ва хорижий тилларни ўргатиш масалаларида ҳудудда олиб борилаётган ишлар тўғрисида Самарқанд вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бошқармаси бошлиғи Темура Маҳмудовнинг ахбороти тингланди.

Маърузачининг қайд этишича, 2024 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан қилинган муражаатлар бўйича 39 372 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашилган. Шунингдек, 6 846 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож, меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган фуқаро захирасидаги иш ўринлари билан таъминланган.



Оилавий тadbirkorлик дастурлари доирасида маҳаллалар "ўсиш нуқталари" (драйвер) асосида 31,2 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларга 510 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу молиявий манбалар маҳаллаларда ишсизлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари бўйича тadbirkorлик фаолият

тини йўлга қўйишда қўл келаётди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари мазкур соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида қатор тақлиф ва тавсияларни илгари суришди. Мутасаддилар билан биргалликда ишчи гуруҳи тузиб, жойларда ўрганишлар олиб боришга қарор қилинди.

Шундан сўнг, Самарқанд шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази директори Дилшод Пардаев сўзга чиқди. У депутатларга фуқароларни давлат ҳисобидан касб-хунарига ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича малакаларини ривожлантириш, банд бўлмаган фуқароларни тadbirkorлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш курсларига кенг жалб этиш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида ахборот берди.

Маълум бўлишича, ушбу марказда кейинги тўрт йилда 8487 нафар тингловчи касб-хунарига ўргатилган. Уларнинг 64 фоизини аёллар, 36 фоизини эркеклар ташкил этади. Жами битирувчиларнинг 4325 нафари ёшлардан иборат. Марказда таҳсил олганлардан 88 фоизининг бандлиги таъминланган. Жами битирувчиларнинг 293 нафари ноғиронлиги бор тингловчилар эканлиги диққатга сазовор.

монидан расмий хат чиқарилган эди. Лекин нуфузли йиғилишга ўзи келмасдан, ўринбосарини юборганлиги депутатлар томонидан жиддий танқид қилиниб, ушбу масалани Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясига киритиш бўйича қарор қабул қилинди.

O'zLiDeP ВАКИЛИНИНГ ДЕПУТАТЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашига 6-Меҳробод сайлов округидан сайланган партиямиз вакили Акбарали Қаюмов ўз ҳудудда депутатлик қабулхонасини очди. Ушбу округда 25 та маҳалла бўлиб, сайловчилар 30010 нафарни ташкил этади. Қабулхонани ташкил этишдан мақсад эса сайловчиларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва улар билан доимо ҳамкорликда ишлаш тизимини қўлай шаклда йўлга қўйишдан иборат.

Акбарали Қаюмовнинг мазкур депутатлик қабулхонасида O'zLiDePдан сайланган янги депутатлар ва туман шаҳар кенгаши аппарати раҳбарлари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда жойларда партиядан сайланган депутатларнинг ишларини жонлантириш, ноиблик сўровларини чиқариш, электротар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда муражаатлар билан ишлаш бўйича амалий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Шу куннинг ўзида "Нурли келажак ишонч сервис" МЧЖ қошида намунали бошланғич партия ташкилоти тузилди ва 10 нафар янги аъзога партия гувоҳномалари топширилди. Вилоятдаги барча шаҳар (туман) ларда ҳам O'zLiDePнинг шундай БТПларни тузиш бўйича масъул ходимларга кўрсатмалар берилди.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

КАДИМ ҚАДРИЯТЛАР

Қиёматгача

қаримайдиган бизнес

Гулсара опа “ўзини ўзи банд қилган фуқаро” сифатида рўйхатдан ўтган. Ҳар ойда бир базавий ҳисоблаш миқдоридан пул тўлайди. Шу ҳисобдан иш стажи “юриб” туради.

“Иш оғир эмас, бир кунда кўпи билан беш-олти соат ишламан. Чарчасам, дам оламан. Ҳеч ким устимда буйруқ бериб тургани – режани сўраётгани йўқ, ўзимга ўзим ҳўжайинман! Яна бизнесим – ҳеч қачон ўлмайдиган бизнес. Ахир тирик одам борки, ҳар кунни нон ейиши керак-ку!”

Новвой аёлнинг сўнгги гапи жуда аҳамиятли: аслида замондан миннатдорлик, халқчил сиёсат эътирофи.

Бугун аҳоли нуфуси салкам икки юз мингга етган Хонқа туманида Гулсара опага ўхшаб уй шароитида нон ёпаётган новвойлар сони икки юздан ошган. Туманда яна шу соҳага ихтисослашган катта-кичик новвойхоналар фаолият юритаётганини ҳам унутмаслик керак.

Биламизки, инсониятга нон асосий нёзмет сифатида тақдим қилинган. Қадимшунослар Миср эҳромларида олиб борган қазимшалар вақтида бир ҳрову бугдой топишади. Тўрт минг ёшли уруғларни синов учун экиб... ҳайратга тушишади – барчаси бехато униб қикади.

Халқимиз азиздан нонни севиб истеъмол қилади. Суюқ овқатларгина эмас, ҳатто палов ё мантини нон билан қўшиб истеъмол қилишга одатланганмиз. Демак...

Аҳолиси икки миллионга яқинлашиб бораётган Хоразм вилоятида тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар кунни ўртача бир миллион дона нон истеъмол қилинади. Тўйлар мавсуми – куз-қиш ойларида бу кўрсаткич неча қаррага ошиб кетишини тасаввур қилиясизми?

Яқин-яқинларгача воҳада новвойлик алоҳида касб ҳисобланмаган. Тўғри, шаҳар аҳли учун қолип-буханка нон пиширилган, аммо қишлоқларда (шу жумладан, шаҳарларда ҳам) аҳоли кундалик истеъмоли учун нонни ҳар бир оила ўзи ёпиши авлоддан-авлодга ўтиб келаётган одат эди. Ҳафтасига камида бир бора тандирга ўтин қаланарди.

Мустақиллик даврига келиб Хоразмда новвойлик касби тез ривож топди. Бунинг турлича сабаблари бор. Биринчидан, хотин-қизларнинг аксари турли соҳаларда ишлагани учун уйда нон ёпишга вақт ажратиши қийин бўлиб кетди. Иккинчидан, уйда катта меҳнат эвазига тандирда нон ёпиб ўтиргандан кўра тап-тайёргина кўча-кўйдан нон сотиб олиш ёки тайёр зувала учун хизмат ҳақини бериб, новвойларга ёптириш нисбатан арзонга тушиши маълум бўлди.

Яна энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг: хамир қориш, зувала ясаш учун уй бекалари камида икки соат вақт йўқотади. Бу орада ясалган зувала тобиға ет-гунича тандирга ўт қалаб, қиздиришга бир соат, йигирмата нон ёпиши учун яна шунча вақт сарфланадими? Ҳаво совуқ вақтлари тандир маромига етиб қизиши учун камида беш-олти боғ гўзапоё ёқилади. Бир боғлам гўзапоё икки-икки ярим минг сўм сотилапти бугун. Тандир учун асосий ёқилғи бўлмиш гўзапоё ҳам йил-йилдан камайиб бормоқда. Пахта яккаҳоқимлигига чек қўйилиб, экин майдонлари боғ яратиш, сабзавот-полиси учун аҳолига ажратилмапти-да...

Нон ёпиш учун кетган вақтнинг қиймати ҳақида гапириш ортиқча.

Шу ўринда энергия тежамкорлигини алоҳида эслатиш керак. Фалон сўмлик ўтин (табiiий газ) сарфланиб қиздирилган тандирда аслида йигирма эмас, юзтача нон ёпиш мумкин. (Ҳаво, яъни экологининг бузилиши алоҳида мавзу). Ёққан ўтинидан ҳосил бўлган ҳароратга ичи ачиган уд-дабурон уй бекалари тандирдаги чўққа сув қизитиб, кир ювишда фойдаланишга ҳаракат қилади кўпинча.

Хонқалик Гулсара опаимиз каби, уйда тандир куриб, элатдошларига беминнат хизмат қилаётган новвой аёллар бир томондан кўни-кўшиларининг оғирини енгил қилаяпти, яна бир томондан эса табиий энергия ресурслари тобора чекланиб бораётган замонда тежамкор бизнесменларга айланмоқда!



Гулсара опа РЎЗМЕТОВА,
Хонқа туманидаги “Нуробод”
маҳалласида яшовчи оддий уй бекаси:

– ОИЛАМИЗГА ҲАР ОЙДА ЎРТАЧА ЕТТИ МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД КЕЛТИРЯМАН. НИМАНИНГ ЭВАЗИГА ДЕРСИЗ? ШУ ОДДИЙГИНА НОВВОЙЛИК ОРҚАСИДАН. МАҲАЛЛАМИЗНИНГ ҲАМИША ИШДА-ЮМУШДА БЎЛАДИГАН АЁЛЛАРИ РЎЗГОРИ УЧУН НОН ЁПИБ БЕРИШ ЗИММАМДА. КУНИГА ЎРТАЧА 600 ДОНА НОН ЁПАМАН. ХАРАЖАТЛАРДАН ОРТИҚ БИР ТИЙИН ҲАМ ОЛМАЙМАН. МИЖОЗЛАР СОНИ ОЙ САЙИН ОШИБ БОРАЁТИР.

Ҳозирги кунда вилоятимиздаги юздан ортиқ қишлоқ ва учта шаҳарда юзлаб ихтисослашган новвойхоналар ишлаб турибди. Давлат дастури асосида арзон нархларда ун билан таъминлаш амалиёти нонларнинг ҳам арзон бўлишига замин яратмоқда.

Бу тадбиркорликнинг яна бир муҳим тарафи бор. Новвой ишни бошлаш учун тижорат банкларида фалон сўм кредит сўрамайди. Тандирчилардан тайёргина тандирни сотиб олади, қуради ва енг шимариб ишга киришади. Зўр-а?

Яна бир томони: воҳанинг ҳар туманида ўзига хос нон, патир, чўрак ёпишдек қадим аёнана давом этаётди. Хорижлик сайёҳлар турли эсдалик буюмлари қаторида албатта миллий нонларни ҳам севиб харид қилишади.

Қадимдан нон ёпиш фақат аёлларнинг иши деб ҳисобланган бўлса, бугун новвойлик касбида аёллар қаторида эркеклар – ёш йигитлар ҳам ишлашапти. Бу ҳам энг ҳалол касблардан бири бўлмиш новвойликнинг ривожини, даромадли экани белгиси эмасми?

Ҳар бир хонадон аҳли ўзи тандир куриб, нон ёпган замонларда “қотган нон” деган сўз бор эди. Бугун ана шу сўз ҳам деярли истеъмолдан чиқиб кетмоқда, одамлар кунда-кунаро янги ёпилган нон харид қилишга ўтган.

...Янги йил арафасида дунёга келган неварамни бешикка солиш маросими учун элга эҳсон дастурхони ёзишимизга тўғри келди. Икки ўғлим юз элликта нон буюртма қилиш учун ярим туманини айланиб келди: барча новвойхоналар тўйлар учун олдиндан буюртма олиб қўйган, имкони йўқлиги учун узр сўрашибди. Охири сўраб-суриштириб дарё бўйидаги Қипчоқ қишлоғидаги новвойхонада ишимиз битди.

Қаранг, Гулсара опа Рўзметова айтмоқчи: “ҳеч қачон ўлмайдиган бизнес” тўйи тадбирлар мавсумида “ёқасини танитмоқда”.

Шу ўринда қадим бир ривоятни эсламоқ жоиз. Ўзга юртга қўшин ниятида бўлган бир ҳукмдор олдин айқоқчиларини жўнатиб, ички тутумларни ўрганибди. Халигилар тезда қайтиб келиб, ҳукмдорга хушхабар етказишибди: “Ҳеч иккиланмай қўшин тортсангиз бўлади. У юрт одамларининг оғзи ола экан – ҳар бир уйда тандир бор”.

Бу аччиқ ҳақиқат. Зеро, оғзи бир элнинг тандири ҳам, дастурхони ҳам бир бўлади.

...Ва новвойлари ҳам.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Бош прокурор ўринбосари нега талабалар ҳузурига келди?

Ҳуқуқий билим – нафақат бугунги кунда, балки ҳамма замонларда, жамиятнинг барча аъзоларига, ёши ва жинсидан қатъи назар, жуда зарур бўлган қалқондир. Бундай мустақкам ҳимояси бўлмаган инсон ҳаёт аталмиш шиддатли ва мурасасиз жант майдонида енгиллиши ва бор будидан айрилиши ҳеч гап эмас.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг хотин-қизлар кенгаши томонидан ташкил этилган “Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналишидир” мавзусидаги давра суҳбатини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам шу эди: яъни олий ўқув юртида таҳсил олаётган талаба қизларнинг турли вазиятларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш имунитетини кучайтириш, ўзига ишончини ошириш ва ҳаётга таянч бўлиш. Тадбир номи бир қарашда кўзу қўлоғимиз ўрганиб кетган, расмий оҳангга бўлса-да, аслида расмиятчиликдан бутунлай ҳоли, чинакам дилдан суҳбатга айланиб кетганига гувоҳ бўлдик.

Университетнинг аёл профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-қизлар иштирок этган бу очик дарсга мамлакатимизда ҳуқуқий соҳанинг чинакам фидоийиси – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Светлана Ортиқованинг таклиф этилгани йиғилганларнинг қимматли вақтлари бесамер кетмаслигига, аксинча, ана шу фурсат илм ва ўрганиш, қувватланиш они бўлишига руҳлантирди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Тўлқин Тешабоев тадбирни очиб берган. “Марҳамат, энди сизлар чин юракдан дардлашиб олинглар, ўзига хос жонли мулоқот бўлсин” дея самимий хайрлашиб бошқа бир йиғинга йўл олди. Ҳали йиманибгина турган, кўнглимдан кечаётган саволларимни прокурор опамаг берсамми-Бермасамми, дея хижолат тортган қизлар энди анча дадиллашиб, саволлар бериш истагида кўлларини кўтара бошлади...

– Эътиборли жиҳати, юртимиз-



да хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда, – деди университет хотин-қизлар кенгаши раиси, ректор маслаҳатчиси, педагогика фанлари доктори, профессор Гулнора Ибрагимова. – Амалга оширилаётган ислохотлар кенг қамровли бўлиб, улар хотин-қизларни таълим олиши, иш ва уй-жой билан таъминланиши, тенг меҳнат шартлоари яратилиши, бир сўз билан айтганда, ҳар томонла-

ма қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Мана шу ислохотлар, хусусан, қонунчилигимиздаги аёллар ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги маълумотлар ва янгиликларни ўз вақтида ёшларга етказиш эса бизнинг вазифамиздир. Шу боис бу каби ҳуқуқий тарғибот тадбирларини бот-бот ўтказиб туришни изчил йўлга қўйганмиз. Чунки мана бу қоракўзларимиз, келажакимиз эгалари ҳадемай олий маълумотли эканликлари тўғрисидаги дипломи кўлга олиб, ўз ҳаётлари сари равона бўлишади. Олий маълумотли ва бир касбини

эгаси бўлиб, дегани энди ҳаммаси равон ва рисоладегидек бўлади, дегани эмас-да. Энди манфаатлар тўқнашуви, маданиятлар юзлашуви, ҳақ-ҳуқуқлар ва уларнинг дахл-сиэлигини асрашнинг катта даври бошланиши турган гап. Бу каби барча вазиятларда уларга биринчи бўлиб ҳуқуқ илми ёрдамга келади. Ҳар биримиз ким бўлишимиздан қатъи назар, аввало ҳуқуқини ўзи билиши ва асраши шарт! Истагимиз шуки, университетимизни битирган қизлар нафақат илми, тажрибали бўлиши, шунинг баробарида ўз ҳуқуқларининг биринчи галдаги ҳимоячиси, посбони бўлиши керак.

Светлана Ортиқова сўз олгач, аввало, йиғилганларга қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқий кафолатлар, хусусан, “Хотин-қизларни таъин қилиш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳақида батафсил маълумотлар берди. Шунингдек, Президент фармони билан алоҳида миллий дастур тасдиқлангани, давлатимиз раҳбарининг “Юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилиги, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий аънамага айлansa, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўи-



QR кодни сканер қилинг ва бизни ижтимоий тармоқларда ўзингизга қулай усулда кўзатиб боринг.

ган бўлаемиз” деган рағбати ҳар бир хотин-қизга билдирилган ишонч эканини эътироф этди.

Йиғилганларни мана шу ишончга муносиб бўлишга чорлар экан, шундай деди: “Ҳеч қачон ўрганишдан тўхтаман! Ҳеч қачон таслим бўлман! Ҳеч қачон қўрқман! Ўзингизга қулай майдонга эришиш учун бугундан ўқинг. Зеро, оналар илли ва кўрқмас бўлса, фарзандлар кучли бўлади!”

Давра суҳбатининг савол-жавоблар қисми фоят қизгин кечди. Очик-ошкора, самимий руҳда ўтган мулоқотда талаба қизлар эрта турмуш қуриш, хотин-қизларга қилинаётган зўравонлик, оналик ва болалик, оиладаги зиддиятлардан ижобий чиқиш йўллари, никоҳ шартномаси тузиш тартиби ва афзалликлари, хуллас, барча йўналишда берилган эмин-эркин саволларга бош прокурор ўринбосаридан оналарча, дўстларча жавоб, маслаҳат олишди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 145
Адади: 5473
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:35

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ